

ҲАДИС РОВИЙЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН АСАРЛАР

КНИГИ, ПОСВЯЩЕННЫЕ ПЕРЕДАТЧИКАМ ХАДИСОВ

BOOKS DEDICATED TO HADITH NARRATORS

MURATOV Doniyor M.

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN

Associate Professor ICESCO

Chair of Islamic Studies and Islamic Civilization,

doniyorhoji@mail.ru

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

Аннотация: Ҳадис илми ислом илмлари ичида энг муҳим соҳалардан бири бўлиб, Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан ривоят қилинган сўзлар, амаллар ва тасдиқларни ўрганиш ва уларнинг саҳиҳлигини аниқлаш билан шуғулланади. Бу борада ровийлар – ҳадисларнинг бизгача етиб келишида асосий ўрин тутувчи шахслардир. Шунинг учун уламолар ровийларнинг ҳаёти, илмий салоҳияти ва ишончлилиги даражасини чуқур ўрганишга катта эътибор қаратганлар. Ҳадис ровийлари ҳақида ёзилган асарлар айнан шу мақсадда яратилган бўлиб, уларда ровийларнинг ишончлилиги, ривоятларининг тўғрилиги ва уларга бериладиган баҳо тўғрисида маълумотлар жамланган.

Бу асарлар турли йўналишларда бўлиб, улар ичида ровийларнинг ишончлилиги даражасини баҳоловчи «илм ар-рижол» китоблари, ровийларнинг таржимаи ҳолини ёритувчи «табақот» асарлари ва ровийлар ҳақида танқидий маълумотлар тақдим этувчи «жарҳ ва таъдил» китоблари алоҳида ўрин тутади. Бу китоблар ислом илмларида катта аҳамият касб этади ва уламоларга саҳиҳ ҳадисларни заиф ҳадислардан ажратиш имконини беради. Бундан ташқари, ҳадис ровийлари ҳақида ёзилган асарлар фақатгина диний илм эмас, балки тарихий ва ижтимоий манбалар сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Улар орқали ислом цивилизацияси ривожини ўрганиш, ровийларнинг жамиятда тутган ўрнини таҳлил қилиш ва уларнинг илмга қўшган ҳиссасини англаш мумкин.

Ушбу мақолада ҳадис ровийларига бағишланган асарларнинг турлари, машҳур муаллифлари ва уларнинг муҳим асарлари таҳлил қилинади. Шунингдек, мазкур асарларнинг ҳадис илмлари ривожига қандай таъсир кўрсатгани, уларнинг ҳозирги кунда ҳам аҳамиятли эканлиги ҳақида маълумот берилади. Ҳадис илмлари ислом илмлари ичидаги энг мураккаб соҳалардан бири бўлгани учун, ровийлар ҳақида ёзилган асарлар уларни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради ва ҳадисларнинг ҳақиқийлигини аниқлашда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: ҳадис илми, ровий, жарҳ, таъдил, тарих, илм ар-рижол, табақот, вафоёт, тарожум, ансоб.

Аннотация: Наука о хадисах является одной из важнейших областей исламского знания, занимающейся изучением слов, поступков и подтверждений Пророка Мухаммада (мир ему и благословение). В этом процессе передатчики хадисов (равии) играют ключевую роль, так как именно через них хадисы дошли до наших дней. Исламские учёные на протяжении веков уделяли особое внимание изучению биографии передатчиков, их научной компетентности и степени надёжности. Книги, посвящённые передатчикам хадисов, содержат подробную информацию о достоверности, точности передаваемых сообщений и степени их правдивости.

Эти труды классифицируются по нескольким категориям. Среди них можно выделить книги науки «ильм ар-риджал», которые оценивают надёжность передатчиков, «табакаат» – биографические сочинения, а также труды по критическому анализу передатчиков, такие как «джарх ва таадиль».

Эти труды играют ключевую роль в исламских науках, помогая учёным различать достоверные хадисы и слабые. Кроме того, книги, посвящённые передатчикам хадисов, имеют важное значение не только в религиозном аспекте, но и в историческом и социологическом контексте. Они позволяют исследовать развитие исламской цивилизации, анализировать общественную роль передатчиков и понимать их вклад в науку.

В данной статье рассматриваются различные типы трудов, посвящённых передатчикам хадисов, их авторам и наиболее значимым сочинениям. Также анализируется влияние данных работ на развитие хадисоведения и их актуальность в современном мире. Поскольку хадисоведение является одной из наиболее сложных исламских наук, книги о передатчиках играют важную роль в глубоком понимании этой области и являются основным источником для проверки подлинности хадисов.

Ключевые слова: наука о хадисах, передатчик, жарх, таадиль, история, наука о передатчиках хадисов, табакаат, вафаят, таражум, ансаб.

Abstract: The science of Hadith is one of the most significant fields within Islamic studies, focusing on the examination of the words, actions, and approvals transmitted from our Prophet Muhammad (peace be upon him), as well as determining their authenticity. In this context, narrators play a crucial role in the transmission of hadith to us. Therefore, scholars have devoted significant attention to thoroughly studying the lives, scholarly capabilities, and levels of reliability of these narrators. The books written about the narrators of Hadith have been created specifically for this purpose, compiling information regarding the reliability of the narrators, the accuracy of their reports, and the evaluations assigned to them.

These works encompass various fields, including books such as «Ilm ar-Rijal» that assess the reliability of narrators, «Tabaqat» works that detail the biographies of narrators, and «Jarh wa Ta'dil» books that provide critical information about narrators, each holding a significant place. These books hold significant importance in Islamic sciences and provide scholars with the ability to distinguish authentic hadiths from weak ones. Furthermore, the works written about hadith narrators are not only valuable for religious knowledge but also serve as important historical and social sources. Through them, it is possible to study the development of Islamic civilization, analyze the role of scholars in society, and understand their contributions to knowledge.

This article examines the different types of books dedicated to Hadith transmitters, their authors, and their most significant contributions. Additionally, it analyzes the impact of these works on the development of Hadith sciences and their relevance in the modern era. Since Hadith sciences are among the most complex Islamic disciplines, works on transmitters remain essential for a deeper understanding of this field and serve as primary sources for verifying the authenticity of Hadiths.

Keywords: Hadith sciences, rawi, Jarh, Ta'dil, History, Ilm al-Rijal, Tabaqat, Wafayat, Tarajim, Ansab.

КИРИШ

Ҳадис илми ислом илмлари ичида алоҳида ўрин тутадиган соҳалардан бири бўлиб, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг сўзлари, амаллари ва таъкидлари ҳақидаги маълумотларни ўрганади. Ҳадисларнинг саҳиҳлиги ва ишончлилиги биринчи навбатда уларни ривоят қилган ровийлар орқали баҳоланади. Шу боис, ислом уламолари асрлар давомида ровийларнинг ҳаёти, илмий мероси ва ишончлилиқ даражасини ўрганишга катта эътибор қаратиб, улар ҳақида турли асарлар ёзганлар.

Ҳадис ровийлари ҳақидаги асарлар, одатда, ровийларнинг ишончлилиқ даражаси, уларнинг устоз ва шогирдлари, ривоятларининг саҳиҳлиги ва уларнинг ҳаётидаги муҳим воқеаларни камраб олади. Бу асарлар нафақат ҳадисларнинг софлигини таъминлаш, балки ислом таълимотларининг тўғри етказилишини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мусулмон уламолари томонидан ровийларнинг ҳолатини ўрганишга бағишланган асарлар турлича шаклда бўлиб, улар ичида ровийларнинг ишончлилиқ даражасини баҳоловчи (илм ар-рижол), ровийларнинг биографик маълумотларини баён этувчи (табақот ва тарихий асарлар) ҳамда ровийларнинг камчиликлари ва хатолари ҳақида хабар берувчи (жарҳ-таъдил) асарлар мавжуд.

Муҳаддислар томонидан ёзилган ровийларни ўрганишга бағишланган асарлар турли йўналишларда ривожланган. Улар орасида ровийларнинг ишончлилиқ даражасини баҳоловчи «илм ар-рижол» асарлари, ровийларнинг исмларини ўрганувчи «асмо ар-рижол», ровийларнинг таржимаи ҳолини ёритувчи «табақот» ва «таърих» китоблари ҳамда ровийларнинг хатолари ва кучсиз жиҳатларини баён этувчи «жарҳ ва таъдил» асарлари мавжуд. Ҳадис илмининг ровийларига бағишланган бундай асарларда, муайян ровий ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконини беради. Шу билан бирга бир киши ҳақида билдирилган фикрларни умумлаштириш мумкин бўлади.

Бу асарлар ҳадис илмида мустаҳкам асос бўлиб, уламоларга ривоят қилинган ҳадисларни танлаш, уларни таҳлил қилиш ва ишончли манбалар асосида хулоса чиқариш имконини беради. Шунингдек, ҳадис ровийлари ҳақида ёзилган асарлар орқали ислом цивилизациясининг илмий-маърифий тараққиётини ўрганиш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳадис ривоят қилган кишилар ҳақидаги маълумотларни ўрганувчи илм «илм рижол» ёки «илм рижол ал-ҳадис» (кишилар илми ёки ҳадис ровийлари илми) деб юритилади. Бу соҳада ҳадис ривоят қилган аёллар ҳам ўрганилади. Ҳадис илмида «кишилар илми» деб аталишининг сабаби ҳадис ривоят қилувчиларнинг аксарияти эркак кишилар эканидандир (Ғоврий, Абдулмажид, 2007:503). Бу илмда ровийларнинг аҳволи, уларнинг ривоятини қабул қилиш-қилмаслик, яшаган замони, устози ва шогирдлари ҳамда исми-шарифи, лақаблари кабилар тадқиқ қилинади.

Шунингдек, имом Бухорийнинг устози машхур олим Али ибн Мадиний (ваф. 234/849 й.): «Ҳадис маъноларини тушуниш илмнинг ярми, ровийларни (рижол) билиш илмнинг ярми» деган (Ғоврий, Абдулмажид, 2007:43). Шунинг учун жуда кўп муҳаддислар бу борада қалам тебратиб, ўзларининг қатор асарларини ёзиб қолдирганлар.

Бу илмни билиш ҳадис усулидаги муҳим соҳалардан ҳисобланади. Чунки хабар етказувчи киши ҳолати – ровийлар ҳақида биринчи бўлиб, Қуръони карим ва ҳадисларда сўз юритилган (Ямоний, Абдурахмон, 1996:18). Жумладан, Хужурот сураси, 6-оятда «Эй, мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган

ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!» (Абдулазиз Мансур, 2004:516).

МУҲОКАМА

Муҳаддислар ҳадис ривоят қилувчиларнинг ҳолатларини ўрганишга ҳаракат қилдилар, уларнинг туғилган жойлари, вафот этган саналари, исмлари, насаблари, лақаблари ва сиёсий ҳамда эътиқодий йўналишларини таҳлил қилдилар. Муҳаддислар ўзларидан олдин ўтган уламоларнинг фикрларини келтириб, уларни жарҳ ва таъдил томонларини кўрсатдилар. Улар ровийларнинг устозлари, шогирдлари, сафарлари ва машойихлар билан учрашувлари ҳақида маълумот тўпладилар. Шу тариқа жуда катта маълумот жамланди ва уни тизимлаштириш зарурати туғилди. Бу эса тарихий ва мазмун жиҳатидан осонлаштирилган ҳолда китобларга жамланди. Ушбу усул кейинчалик бошқа илмлар ва соҳаларда қўлланилди. Шу тариқа, улар бу йўналишда китоблар ёзишди ва у кенгайиб борди. Натижада, бу китоблар муҳаддислар ва бошқаларни ўз ичига оладиган бўлди ва улар «тарожим китоблари» номи билан машҳур бўлди. Муҳаддислар кейинчалик «рижол китоблари» учун бешта услубни ишлаб чиқдилар ва кейинчалик барча тарожим китоблари айнан шу услубларга асосланди (Тақиюддин Абул Маолий, 1982:56). Улар қуйидагилар:

1. Табақалар бўйича тартиблаш – бу ерда табақа деганда устозлардан бирга дарс олган гуруҳ назарда тутилади. Масалан, саҳобалар табақаси, тобейлар табақаси каби, бу бўйича Ибн Саъд (ваф. 230/845 й.) нинг «ат-Табақот» китоби машҳур.

2. Насаблар бўйича тартиблаш – бу усул ҳадис ровийларини бир қабила ёки уруғ ёки бир жойдан бўлганларига қараб жамлашни ўз ичига олади. Бу бўйича Абдулкарим Самъонийнинг (ваф. 506/1113 й.) «ал-Ансоб» китобида очиқ-ойдин кўринади.

3. Шаҳарлар бўйича тартиблаш – бу усул ровийларни уларнинг ватанига қараб жамлашни назарда тутди. Масалан, Ибн Ҳиббон Бустий (ваф. 245/855 й.) ўзининг «Машоҳир уламои ал-амсор» китобида айнан шу усулдан фойдаланган.

4. Ҳадис ровийларини алифбо бўйича тартиблаш – бу энг кенг тарқалган усул бўлиб, таржимаи ҳолларни топишни осонлаштиради ва уларни тез ўқиш чиқиш имконини беради. Аксарият рижол ва тарожим китоблари ушбу услуб асосида тартибланган.

5. Ҳадис ровийларини вафот этган йиллар бўйича тартиблаш – бу усулда ровийлар уларнинг вафот этган йилига қараб жамланади. Бу услубда ёзилган китобларда келган шахснинг аҳамияти ёки унинг илмий даражасига эътибор қаратилмаган ҳолда ёзилади. Бу йўналишда Ибн Халликоннинг «Вафот ал-аъён» асари машҳур.

Шуни ҳам алоҳида айтиш лозимки, юқоридаги тақсимотни икки гуруҳга ажратиш мумкин: ровийлар тарихи ва ровийларнинг исмлари.

1. Ровийлар тарихи;

Муҳаддислар ҳадис ровийларининг туғилиши, шайхларидан ҳадис эшитиш вақти, бирор жойга сафар қилган пайти, вафот этган саналари ҳақидаги маълумотларни ўрганишга айтилади. Бу ҳадис илмининг муҳим соҳаси бўлиб, у билан ровийлардаги ёлғон аниқланиши мумкин. Ҳадис иснодининг эса, узлуксиз (муттасил) ёки узилгани (мунқатиъ) аниқланади. Имом Суфён Саврий: «Ровийлар ёлғон ишлатишни бошлаганда, уларга қарши тарихдан фойдаландик» (Тахҳон, Махмуд, 2010:275), деганидан бу илм муҳаддис учун долзарб аҳамият касб этганини билиш мумкин. Бу йўналишда «Тарих» китоблар (имом Бухорийнинг «ат-Тарих ал-кабир», «ат-Тарих ал-авсат», «ат-Тарих ас-сағир», Хатиб Бағдодийнинг «Тарих Бағдод», Ибн Ҳиббоннинг «Машоҳир уламо ал-амсор» каби), табақот (Ибн Саъднинг «ат-Табақот ал-кубро», Заҳабийнинг «ал-Муин фи табақот ал-муҳаддисин») ва бошқалар.

2. Ровийларнинг исмлари.

Ровийларни аниқлаш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида иснодларда зикр этилган шахсларнинг таржимаи ҳоллари таълиф этилган асарлар пайдо бўлган. Уларда ҳадис ровийларининг исмлари кўрсатиб ўтилган. Ровийлар ўз исмлари билан бошқалардан ажралиб турганлар. Бироқ бирига ўхшаш исмлар кўп бўлгани учун муҳаддислар уларни ажратиш олиш йўллари ишлаб чиқиб, ўзига хос қоидаларни жорий қилганлар. Ровийларнинг исмлари қуйидагилар орқали аниқланади ва улар бўйича кўп асарлар ёзилган:

1. Муттафиқ ва муфтарик (**бир хил ва турли**). Бу бўйича машҳур муҳаддис Хатиб Бағдодий «ал-Муттафиқ ва-л-муфтарик» асарини ёзган.

2. Муъталиф ва мухталиф (**келишиш ва ихтилоф**). Бу бўйича имом Дорақутний «ал-Муъталиф ва-л-мухталиф» китобини ёзган.

3. Муташибих (ўхшаш). Ибн Фаразий номи билан танилган Абул Валид Абдуллоҳ Қуртубий «ал-Муташибих фи асмо руват ал-ҳадис ва куноҳум» асарини ёзган.

4. Мубҳам (гумон). Мазкур йўналишда Хатиб Бағдодийнинг «ал-Асмо ал-мубҳама фи-л-абно ал-муҳкама» номли таҳлифоти бор.

5. Вухдон (биттагина). Имом Муслим таълиф этган «ал-Мунфаридот ва-л-вухдон» асари.

6. Муфрадот (якка).

7. Турли куня, лақаб ва исмлар билан эслаш.

8. Куня. Кунялар бўйича муҳаддис Абу Башар Муҳаммад Дулобийнинг «ал-Куно ва-л-асмо» асар ёзган.

9. Лақаб. Лақабларни жамлаган олимлардан Абу Бакр Аҳмад Шерозийнинг асарини келтириш мумкин.

10. Оталаридан бошқаларга мансуб бўлиш.

НАТИЖА

Муҳаддис учун «Асма ар-рижал ал-ҳадис», яъни ҳадис ривоят қилган кишиларнинг исмларини билиш аҳамиятлидир (Саховий, 2005:198). Бу «ҳадис кишиларининг исмлари» маъносини билдириб, ҳадис ривоят қилган ровийларнинг исмлари бўйича таълиф этилган асарларга айтилади. Буни муҳаддислар ҳадис ровийларининг исмларини аниқлаш мақсадида жорий қилган илм тури (Мақдамий, Муҳаммад, 1994:10), деб аташ ҳам мумкин. Ҳадис ровийларга бағишланган асарлар кўп.

Бу илм орқали ровийнинг тўлиқ исмини, яъни отаси, бобоси, куняси, насаби, лақаби кабиларни билишда фойдаланилган. Бир хил исмга эга бўлган турли ровийларни билишда ҳам фойдали ҳисобланган. Бундай асарлар ишончли, заиф каби ровийларни ҳамда уларнинг шахсиятини (исми бир хил бўлиб шахсиятда бошқача бўлишидан келиб чиқиб) ўрганишга бағишланган. Ҳадис ровийлари ҳақидаги илмни ҳар бир муҳаддис билиши шарт ҳисобланган. Бундай асарларда ровийларнинг таржимаи ҳоллари билан бирга уларнинг адолати ва забтига оид ҳолатлар, баъзи ровийларнинг адолатига ёки ҳифзига йўналтирилган таъналарнинг баёни, ишончли ҳамда адолатли имомлардан ривоят келтиришда хотирасига берилган баҳолар ёзилади (Мифтоҳий, Муҳаммад, 2016:33). Бу таърифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, «Жарҳ ва таъдил» китоблари ҳам шу йўналишга оид ҳисобланади.

Бундай асарлар одатда ровийлар ва уларнинг ривоятлари табақама-табақа, асрларга бўлиб, китоб таълиф қилаётган муаллифнинг замониғача бўлган муддатни қамраб олади.

«Асма ар-рижол» бўйича ёзилган асарлар қаторига Абул Қосим ибн Асокирнинг (ваф.

571/1176 й.) «ал-Муъжам ал-муштамил ала зикр асмо шуюх ал-айма ан-нубл» асарини киритиш мумкин. Бу асарда олим олти ишончли ҳадис тўплами соҳибларининг шайхларини мухтасар ҳолда, алифбо тартибида (аввал Аҳмад исмлиларни) келтирган. Олти китоб муаллифларининг номларини қисқартириб (масалан, Бухорий учун «Х», Муслим учун «М», Абу Довуд учун «Д», Термизий учун «Т», Насоий учун «Н», Ибн Можа учун «Қ») ҳарфларини қўллаган ҳолда) келтирган (Ибн Асокир, 1981:336). Бу шу йўналишда ёзилган асарларнинг биринчиси ҳисобланади.

Абдулғани ибн Абдулвоҳид Абу Муҳаммад Мақдисий Ҳанбалий (ваф. 600/1204 й.) «ал-Камол фи асмо ар-рижол» асарини ёзган. Ибн Асокир олти ишончли тўплам соҳибларининг шайхларини асос қилиб олган бўлса, бу китобда эса олти китоб ровийлари, яъни саҳобалардан муҳаддиснинг шайхигача танлаб олинган (Мақдисий, Абдулғаний, 2016:7).

Ҳофиз Жамолиддин Юсуф ибн Абдурахмон Абу Ҳажжож Миззий (ваф. 742/1341 й.) ҳам ровийларга бағишланган «Таҳзиб ал-камол фи асмо ар-рижол» асарини таълиф этган. Миззий Абдулғани Мақдисийнинг асарини ўрганиб чиқиш жараёнида бир неча хато, бузилган ва эътиборсизликка йўл қўйилган ҳолатларни аниқлайди ва «ал-Камол» асари асосида янги китобини ёзади. Олти муҳаддиснинг бошқа асарларини ҳам китобга, жами 19 та китобни жалб қилган. Бунга имом Бухорийнинг «ал-Қироат халф ал-имом», «ал-Адаб ал-муфрад» каби 5 та, имом Муслимнинг «Саҳиҳ»ига ёзган «Муқаддима»сини, имом Абу Довуднинг «ал-Маросил», «ан-Носих ва-л-мансукх» каби 7 та, имом Термизийнинг «аш-Шамойл»ини, имом Насоийнинг «Амал ал-явм ва-л-лайла»си каби 4 та ҳамда имом Ибн Можанинг «ат-Тафсир» асарларини келтириш мумкин. Асар қатта ҳажмда бўлиб, 35 жилддан иборат (Миззий, Жамолиддин, 1983:44).

Шунингдек, имом Заҳабий (ваф. 748/1347 й.) ҳам «Таҳзиб таҳзиб ал-камол» асарини талиф этган. Бу асар «Таҳзиб ал-камол» асарининг мухтасари дейиш мумкин. Жумладан, имом Заҳабий асарни ёзиш жараёнида «Таҳзиб ал-камол»даги ровийларнинг кўпини тушириб қолдирган бўлсада, уларга ишора қилиб ўтган, «Таҳзиб ал-камол»да ровийларни алифбо тартибида берган, Заҳабий эса, ровийларни табақасига қараб жамлаган ҳамда уларнинг тўлиқ исмларини қисқартириб фақат машҳур бўлган номларини қолдирган. Шунингдек, жарҳ ва таъдил ибораларини қисқартирган, агар улар бир одамда такрор келса, уларни тушириб қолдирган. Шу

билан бирга ровийнинг ишончли ёки ишончсиз эканига далолат қилмайдиган хабарларни тушириб қолдирган. Иснодларнинг кўпини тушириб, ҳадиснинг матни билан кифояланган. Имом Миззий иснодсиз келтирган ҳадисларни мухтасар қилган ҳамда баъзи ҳадисларнинг ишончлилиқ даражасини берган. Ровийларнинг вафот этган санасидаги зикр қилинган ихтилофларнинг кўпини тушириб қолдирган бўлсада, ўз наздида собит бўлганларни санасини киритган (Заҳабий, Шамсуддин, 2004:71-72).

Шунингдек, олим «ал-Кошиф фи маърифа ман лаху ривоя фи-л-кутуб ас-ситта» асарини ҳам таълиф этган. Муҳаддисларнинг исмини қисқартириб (масалан, Бухорийга «Х», Муслимга «М» каби) берган (Заҳабий, Шамсуддин, 1992:13). Олимнинг кейинги асари «ал-Мужаррад мин таҳзиб ал-камол» бўлиб, унда ровийларни ўн табақага ажратиб келтиради. Заҳабийнинг ровийларга бағишланган бошқа асари «ал-Муқтазиб мин таҳзиб ал-камол» деб номланади ва унда «Таҳзиб ал-камол» асарини мухтасар ҳолда келтирган.

Ҳофиз Андалусий (ваф. 750/1349 й.) имом Миззийнинг асарини қисқартирган ҳолда «Ихтисор таҳзиб ал-камол» асарини ёзган. Ҳофиз Алоуддин Муғлатой (ваф. 762/1361 й.) имом Миззийнинг асарига қўшимчалар киритган ва «Икмол таҳзиб ал-камол фи асмо ар-рижол» асарини ёзган. Олимнинг бу соҳа бўйича ёзилган иккинчи асари «Авҳом таҳзиб ал-камол» деб номланади.

Ҳофиз Абул Маҳосин Муҳаммад Ҳусайний (ваф. 775/1373 й.) «ат-Тазкира би маърифа рижол ал-ашара»сида «Таҳзиб ал-камол» асарини олти китобда мавжуд бўлмаган ровийларни тушириб мухтасар қилган ва унга Моликнинг «Муватто», имом Аҳмаднинг ва Шофеийларнинг «Муснад»лари ҳамда Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Хисрав Балхийнинг «Муснад Аби Ҳанифа» асарларидаги ровийларни киритгани (Ҳусайний, Абул Маҳосин, 1996:3) билан ажраб туради.

Ибн Касир номи билан танилган Исмоил ибн Умар Абул Фидо (ваф. 774/1372 й.) «ат-Такмил фи ал-жарҳ ва-т-таъдил ва маърифа ас-сиқот ва-з-зуафо ва-л-мажохийл» асарини ёзган. Бу асарда Миззийнинг «Таҳзиб ал-камол» ва Заҳабийнинг «Мизон ал-эътидол»ларини жамлаган (Ибн Касир, 2011:13) ва ўзи томонидан қўшимчалар киритган.

Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1448 й.) «Таҳзиб таҳзиб ал-камол»ни ёзган бўлиб, бу асар «Таҳзиб ат-таҳзиб» номи билан танилган. Олим бу асарида «Таҳзиб ал-камол»ни учдан биригача қисқартирган (Асқалоний, Ибн Ҳажар, 2014:9) ва

ўзи томонидан қўшимчалар киритган. Ундан кейин «Тақриб ат-таҳзиб» номи асарини ҳам ёзган.

Бу борада бошқа кўплаб олимлар ҳам асарлар таълиф этиб улардан Тақиюддин ибн Фаҳднинг (ваф. 871/1467 й.) «Ниҳоя ат-тақриб ва такмил ат-таҳзиб би-т-таҳзиб», ҳофиз Софийюддин Хазражий Ансорийнинг (ваф. 923/1517 й.) «Хулоса таҳзиб таҳзиб ал-камол фи асмо ар-рижол» ҳамда бошқа олимлар ўз асарларини келтириб ўриш мақсадга мувофиқ бўлади. Имом Заҳабий ва Ибн Ҳажар Асқалонийлардан кейин яшаган муҳаддис олимлар ўз асарларини уларнинг манбаларига таяниб ёзганларини алоҳида айтиб ўтиш керак.

Ровийлар тарихига бағишланган асарлар орасида эса, уларнинг туғилганидан бошлаб вафот этгунча бўлган вақтларини билишга қаратилган, яъни саҳобий, тобей, муҳаддис ва бошқа олимларнинг туғилган ва вафот этган йиллари, қилган ишлари, кимлар билан қачон гаплашгани ва бошқа жиҳатлари ўрганиладиган (Саҳовий, Муҳаммад, 2005:365) асарлар бор. Бундан ровий шайхидан ҳадис эшитган ҳамда ўз юртларидан бошқа шаҳарларга борган вақти кабиларни тарихини билиш ҳам тушунилади.

Муҳаддис учун «тарих ар-руват»ни билиш муҳим ҳисобланади (Заҳроний, Муҳаммад, 2009:167). Олим Суфён Саврий: «Ровийлар ёлғон ишлатишни бошлаганда биз уларга қарши тарихни қўлладик» (Ғурий, Абдулможид, 2007:248), деган. Яъни тарих орқали ровийларнинг устози билан учрашган ёки учрашмагани аниқланиб, исноднинг узилган (мунқати) ёки узлуксизлигини (муттасил) ўрганилади. Чунки баъзи ровийлар ўзи кўрмаган ва вафот этиб кетган кишисидан худди эшитгандек ҳадис ривоят қилган бўлади.

Ровийлар тарихи бўйича ҳам кўплаб олимлар ўз асарларини ёзганлар. Уларнинг энг машҳурларидан «Тарих Бағдод ав мадинат ас-салом» бўлиб, асар муҳаддис олим Хатиб Бағдодийнинг қаламига мансуб. Шунингдек, имом Бухорий ҳам «ат-Тарих ал-кабир», «ат-Тарих ал-авсат» ва «ат-Тарих ас-сағир» асарларини ёзган (Тўраев Н., 2018:116).

Шунингдек, қуйидаги шахслар билан боғлиқ саналарни билиш аҳамиятлидир. Пайғамбар (с.а.в.) 11/633 йили, Абу Бакр 13/635 ва Умар (р.а.) 23/644 йили 63 ёшларида вафот этганлар. Усмон (р.а.) 35/656 йили 82 ёшида, Али (р.а.) 40/661 йили 63 ёшида ўлдирилган (Ибн Салоҳ, 2005:382).

Икки саҳобий 120 йил яшаб, ундан 60 йили жоҳилияда ва яна шунча йили исломда ўтган. Улар Ҳаким ибн Ҳизом ва Ҳассон ибн Собитлардир. Шунингдек, тўрт мазҳаб асосчилари: Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит (80/699-150/767), Молик ибн

Анас (93/712-179/795.), Муҳаммад ибн Идрис (150/767-204/819) ва Аҳмад ибн Ҳанбал (164/780-241/855) ҳамда олти ишончли ҳадис тўпламлари муаллифларининг туғилган ва вафот йиллари ҳадис илми тўпламларида алоҳида қайд этилади. Улар: Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (194/810-256/870), Муслим ибн Ҳажжож Найсапурий (204/819-261/875), Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас Сижистоний (202/817-275/888), Абу Исо Муҳаммад ибн Исо (209/824-279/892), Абу Абдурахмон Аҳмад ибн Шуайб Насоий (214/829-303/916) ва Муҳаммад ибн Язид ибн Можа Қазвиний (207/822-273/886) (Маҳмуд Таҳхон, 2010:276).

Ровийларнинг юрт ва шаҳарларини билишга оид асарлар ҳам муҳаддислар томонидан ёзилган. **У араб тилида «автон ар-рувот ва булданиҳим» дейилиб**, ровийларнинг ватанлари ва юртлари маъносини билдиради. Ровийнинг ватани, минтақаси, туғилган жойи, яъни асли қаерлик эканини ҳамда яшаган жойларини ўрганувчи (Маҳмуд Таҳхон, 2004:285) ҳадис тарихи ва усули учун зарур асарлар тўпламлари ҳисобланади.

Бунда ровий бир жойда туғилиб ўсган бўлса ҳам, кейинчалик бошқа жойга бориб ўша ерда яшаб қолади. Аммо ўз туғилган юртига нисбат берилмай қолиши натижасида унинг илк устозларини аниқлаш имкони йўқолади. Шунингдек, бир исмга эга бўлган икки ровийни яшаган жойи этиборга олинмаса бир кишига айланиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Чунки илк ислом давридан бошлаб саҳобийлар ҳадис тарқатиш мақсадида турли юртларга бориб яшаб қолганлар, бу ҳолат кейинги авлодга ҳам ўтган.

Муҳаддислардан Ҳоким Найсопурий кўпгина муҳаддислар бу борада хато қилганларини айтиб ўтган. Масалан, «Пайғамбар (с.а.в.): «Ким Аллоҳга бир нарсани ширк келтирмасдан вафот этса, жаннатга киради», деганлар. Бу ҳадис ровийларидан Жобир ибн Абдуллоҳ Кубо аҳлидан бўлиб, мадиналикдир, Абу Зубайр маккаликдир. Иброҳим Сайғ, Абу Ҳамза ва Абдонлар марвлик бўлиб, Иброҳим билан отаси Исмоил иккиси ҳам Нишопурлик ҳисобланади (Ҳоким Найсопурий, 1977:195).

Ибн Ҳиббон «Китоб машоҳир уламои амсор» номли асарида шу усулни қўллаб, саҳобий ва тобей олимларни яшаган жойларига қараб тасниф қилган. Бу бўйича муҳаддислардан Муҳаммад ибн Саъднинг (ваф. 230/844 й.) «ат-Табакот ал-кубро», Самъонийнинг (ваф. 562/1167 й.) «ал-Ансоб», Ибн Асирнинг (ваф. 630/1233 й.) «ал-Лубоб фи таҳзиб ал-ансоб», Муизиддин Қазвинийнинг (ваф. 1300/1883 й.) «Асмо ал-қабил ва ансобуха» асарларини келтириб ўтиш ўринли.

Олимлар ровийларнинг туғилган йиллари борасида алоҳида китоб ёзмаган бўлса-да, вафот этганларига оид китоблар таълиф этганлар. Ровийларни ўрганиш бўйича олимларнинг вафот этган санаси асосида таълиф этилган тўпламлар ҳам ёзилган. Улар «вафоёт» номи билан юритилади. Вафоёт вафот сўзининг кўплик шакли бўлиб, луғатда ўлимлар, вафот, қазо қилиш маъноларини билдириб, ҳадис ровийлари тарихига оид тўплам турига, истилоҳда эса, ровийларнинг вафот этган саналарига асосланиб ёзилган китобларга нисбатан қўлланади (Муҳаммад Абул Маолий, 1982:55). Бунда исноднинг ишончлилиқ даражасини янада аниқроқ кўрсатиб беришга қаратилган. Шунингдек, исноддаги ровийларнинг тарихини аниқлашда катта ўрни бор. Бундай асарлар кўплаб муҳаддислар томонидан ёзилган бўлсада, уларнинг энг машҳури Ибн Халликоннинг «Вафоёт ал-аъён» (Ибн Халликон, 1999:494) ҳисобланади. Маълумотларга кўра Ибн Халликон ўз асарини 654/1256-672/1274 йиллар орасида ёзган. Унда 846 нафар киши ҳақида маълумот берган. Машҳур олимлар ҳақида кўп тўхталмай, қисқа маълумотлар бериш билан кифояланган. Бу асарни бир неча бор турли тадқиқотчилар нашрга тайёрлаб чоп эттирган.

Бундай асарлар ровийлар ўз шайхлари билан учрашиб улардан ҳадис эшитганини аниқлаш мақсадида ёзилган тўпламлар бўлиб, улардан мақсад ростгўй ровий ёлғончисидан ажратиб олинган. Муаллифлар ровийларнинг таржимаи ҳолларини вафот этган ҳижрий йил, ой ва кунлари асосида тузганлар. Уларнинг таржимаи ҳоллари узун ва қисқалиги билан тафовут қилиши мумкин. Шу билан бирга ровий ҳақидаги жарҳ ва таъдил масалалари ҳам кўрсатиб ўтилади.

Бу услубда биринчи бўлиб китоб ёзган олим Лайс ибн Саъд Фаҳмий Мисрий (ваф. 175/791 й.) бўлиб, кейин Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (ваф. 181/797 й.) ҳам давом эттирди. Шундан сўнг ҳадис илмида ровийлар тарихи илми мустақил ривожлана борди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки Заҳабий (ваф. 748/1347 й.) «ал-Ибар»да, Ибн Касир (ваф. 774/1372 й.) «ал-Бидоя ва ан-нихоя»да олимларнинг вафот этган йилларини китобларидаги бирор ҳодисага боғлаб келтирганлар.

Вафоёт бўйича ёзилган китобларнинг машҳурларидан қуйидагиларни келтириш мумкин: Абдулбоқий ибн Қоне Абу Ҳусайн Бағдодий (ваф. 351/965 й.) «ал-Вафаёт» асарини ёзиб қолдиради. Ундан сўнг Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад Абу Сулаймон Димашқий (ваф. 379/989 й.) «Тарих мавлид ал-уламо ва вафаётихим» асарини ёзиб, унда

ҳижратнинг бошланишидан 228 (мил. 843 й.) йилгача бўлган даврни келтиради. Бу асарга Абдулазиз ибн Аҳмад Абу Муҳаммад Каттоний (ваф. 466/1074 й.) «Зайл» ёзган. Каттонийнинг «Зайл»ига Ҳибатуллоҳ ибн Аҳмад Абу Муҳаммад Акфоний (ваф. 485/1092 й.) «аз-Зайл» ёзган ва 485/1092 йилгача бўлган 20 йилни ўз ичига олган. Али ибн Муфаззал Абу Ҳасан Макдисий (ваф. 611/1214 й.) у зайлга яна зайл таълиф этган бўлиб унда 581/1185 йилгача бўлган даврлар ёзилган. Абдулазиз ибн Абдулқавий Мунзирий (ваф. 656/1258 й.) ҳам бу ишни давом эттириб, 656/1258 йилгача бўлган давр учун бошқа зайл ёзган. Мунзирийнинг шогирди Аҳмад ибн Муҳаммад Ҳалабий Мисрий (ваф. 695/1296 й.) 695/1296 йилгача бўлган давр учун устози асарига зайл ёзди. Унга Али Шариф Аҳмад Диметий 749/1349 йилгача яшаган ровийлар тарихини келтирган. Ҳофиз Али Зайниддин Ироқий 762/1361 йилгача яшаган ровийлар тарихини, Ироқийнинг ўғли Валиюддин Ироқий (ваф. 826/1423 й.) эса ўзи яшаган даврдаги ровийлар тарихини қўшимча қилган.

Юқоридагиларга қўшимча тарзда қуйидаги олимларнинг асарларини ҳам келтириш ўринли, Ибн Манда номи билан машҳур бўлган Абдурахмон ибн Муҳаммад Абул Қосимнинг (ваф. 470/1077 й.) «ал-Вафаёт», Иброҳим ибн Саид Абу Исҳоқ Ҳабболнинг (ваф. 482/1089 й.) «Вафаёт қавм мин ал-мисрийин» асарлари мавжуд.

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдурахмон Ҳалабий Абу Аббос (ваф. 695/1296 й.) «Сила ат-такмила ли вафаёт ан-нақала»ни ёзган бўлиб, ундаги маълумотлар 642/1244-675/1276 йилларни ўзи ичига олади.

Олим Ҳожи Халифанинг айтишича, Қосим ибн Муҳаммад ибн Юсуф Абу Муҳаммад Ишбили (ваф. 739/1338 й.) ҳам «Тарих ал-вафаёт» асарини ёзган. Асарнинг ўзига хослиги олим ўз устозлари ҳақидаги маълумотларни жамлаган, бироқ оққа кўчирмаган.

Шунингдек, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Димашқий Шофеий (ваф. 748/1347 й.) «ал-Эълум би вафаёт ал-аълум» асарини, Ибн Айбак Диметий номи билан танилган Аҳмад ибн Айбак ибн Абдуллоҳ Абу Ҳусайн (ваф. 749/1348 й.) «Зайл сила ат-такмила ли вафаёт ан-нақала» асарини ёзган. Бу асар Аҳмад ибн Муҳаммад Ҳусайнийнинг (ваф. 495/1102 й.) «Сила ат-такмила ли вафаёт ан-нақала» номли асарига зайл ҳисобланиб, 695/1296 йилдан вафот этгунича бўлган даврни қамраб олганини кўриш мумкин.

Ибн Рофе Салломий номи билан танилган Муҳаммад ибн Рофе ибн Ҳижриснинг (ваф. 774/1372 й.) «ал-Вафаёт», Носируддин Димашқий

номи билан танилган Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абдуллоҳнинг (ваф. 842/1438 й.) «Бадиа ал-баён ан мавт ал-аъён ала аз-замон», Ибн Ҳажарнинг «Назм вафаёт ал-муҳаддисин» асарлари мавжуд.

Юқоридагилардан ташқари шундай асарлар ҳам ёзилганки, номи вафоёт бўлмаса-да, ровийларнинг вафот этган саналари алоҳида аҳамиятга олинган ҳолда таълиф этилган. Лайс ибн Саъд Фаҳмий Мисрий (ваф. 175/791 й.), Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (ваф. 181/797 й.), Усмон ибн Саид Доримий (ваф. 280/893 й.), Ҳошим ибн Муршид Абу Саид Табароний (ваф. 278/891 й.) ва Али ибн Мадиний (ваф. 234/849 й.), Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абу Шайба (ваф. 235/850 й.), Халифа ибн Хайёт (ваф. 240/854 й.), Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 241/855 й.), Амр ибн Али Фаллос (ваф. 249/863 й.) «ат-Тарих» номли асарлари шулар жумласидандир. Булардан бошқа кўплаб олимлар ҳам тарих номида шу мавзуга оид ўз асарларини ёзиб қолдирганлар.

Яна шундай асарлар ҳам битилганки, уларда фақат вафот этган йилларга қараб эмас, балки туғилган ва вафот этган йиллар эътиборидан ҳам алоҳида китоблар ёзилган. Улар «Тарих мавлид ал-уламо ва вафаётихим» номи билан юритилади. Бу ҳадис ровийлари табақасини билишда катта аҳамиятга эга. Айниқса, муҳаддислар уларнинг ўз шайхлари билан учрашган ёки учрашмаганини ажратишга жиддий эътибор берганларини кўрсатади. Зеро ровийнинг туғилган ва вафот этган санани билишнинг фойдаси шундаки, у хатога йўл қўйганми, хато қилган бўлса қачон хато қилди, шунингдек, ровий исмлари ва насаблардаги муъталиф ва мухталифни, муттафик ва муфтарикни ажрата олишини ва бошқа жиҳатларини текширилади. Бу бўйича биринчи бўлиб Абу Ҳусайн Абдулбоқий ибн Қони Бағдодий (ваф. 351/962 й.) асар ёзган бўлиб, китоб ҳижратнинг бошидан, 346/957 йилгача бўлган даврда яшаганлар ҳақида маълумот бериб ўтади (Димашқий, Муҳаммад, 1990:34).

Кейинчалик Шарафуддин Абул Ҳасан Али Макдисий Искандарий Моликий (ваф. 611/1214 й.) 581/1185 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган «Вафаёт ан-нақла» асарини ёзади. Шогирди Ҳофиз Закиюддин Абу Муҳаммад Абдулазиз Мунзирий (ваф. 656/1258 й.) устозининг китобига зайл ёзади ва уни «ат-Такмила ли вафаёт ан-нақола» деб номлайди. Бу катта асар 581/1185-642/1244 йилларни ўз ичига олган бўлиб, жуда фойдали ҳисобланади ва ҳатто нашр қилинган (Мунзирий, Абдулазиз, 1984:39).

ХУЛОСА

Ҳадис ровийларига бағишланган асарлар ислом илмлари, айниқса, ҳадисшунослик соҳасида катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳадисларнинг саҳиҳлиги ва ишончилигини аниқлашда муҳим манба ҳисобланади. Бу асарларда ровийларнинг шахсияти, ҳаёт йўли, илм олиш жараёни ва ҳадис ривоятларидаги ўрни ҳақида батафсил маълумот берилади. Ҳадислар фақатгина пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) томонидан айтилган сўзлар ёки амаллар тўплами бўлиб қолмай, балки уларни ривоят қилган ровийларнинг ҳам ишончилиги, илм даражаси ва тақвоси муҳим аҳамият касб этади. Шу боис уламолар ровийларнинг ҳолатини ўрганишга алоҳида эътибор қаратганлар ва бу ҳақда юзлаб асарлар ёзганлар.

Ҳадис ровийлари ҳақида ёзилган асарлар нафақат ровийларнинг биографик маълумотларини ўз ичига олади, балки уларнинг ҳадис илмидаги ўрнини, илм олишдаги манбалари ва ривоятчиликдаги нақл услубларини ҳам таҳлил қилади. Масалан, ровийларнинг қайси устозлардан илм олгани, уларнинг нақл услуби, хотираси ва ишончилиги ҳам алоҳида ўрганилади. Бундай асарлар ичида энг машҳурлари – Ибн Ҳажар Асқалонийнинг «Таҳзиб ат-таҳзиб», Имом Заҳабийнинг «Мизонул иътидол», имом Ибн Абу Ҳотимнинг «Ал-Жарҳ ва-т-тадил» каби асарлардир. Ушбу асарлар ровийларнинг мақомини аниқлаш ва уларнинг ишончли ёки заиф эканлигини билиш учун асосий манба ҳисобланади.

Бундан ташқари, ҳадис ровийларига бағишланган асарлар ровийларнинг дорул-ҳадисларда олган таълимлари, устоз-шогирд алоқалари ва уларнинг турли ривоятчилик мактабларига таъсирини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир ровий маълум бир муҳитда тарбия топган ва улар орқали ҳадисларнинг ривоят усуллари шаклланган. Шунингдек, уламолар ровийларнинг заиф ёки ишончли эканлигини аниқлашда турли илмий мезонлардан фойдаланганлар. Улар орасида ровийларнинг хотира кучини, сидқ ва тақво даражасини баҳолаш, уларнинг устозларидан қандай ҳадислар нақл қилгани ва уларнинг нақлига бошқа муҳаддислар қандай баҳо берганини ўрганиш каби жараёнлар мавжуд.

Ҳадис ровийларига бағишланган асарлар ислом илмларнинг тараққиётида улкан аҳамият касб этади. Улар орқали ҳадисларнинг келиб чиқиши, ровийларнинг мақоми ва ишончилиги мезонлари ҳақида чуқур билим олиш мумкин. Шунингдек, бу асарлар ҳадисларнинг софлигини сақлаш ва уларни сохта ривоятлардан ажратишда муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда ҳам ҳадис илми билан шуғулланувчи олимлар ва тадқиқотчилар ушбу асарларга таяниб, ҳадисларнинг саҳиҳ ёки заиф эканлигини аниқлашда улардан фойдаланишда давом этмоқдалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдулазиз Мансур. (2004). *Қуръони карим маънолари таржумаси*. Шарк.
2. Асқалоний, И. Ҳ. (2014). *Таҳзиб таҳзиб* (Т. 1, Б. 9). Муассаса ар-рисала.
3. Ғоврий, А. (2007). *Илм ар-рижол таърифух ва кутубух* (Б. 43). Дор Ибн Касир.
4. Ғоврий, А. (2007). *Мавсуа улум ал-ҳадис ва фунуниҳ* (Б. 503).
5. Димашкий, М. А. (1990). *Мавлид ал-уламо ва вафоётҳим* (Т. 1, Б. 34). Дор ал-осима.
6. Заҳабий, Ш. М. (1992). *ал-Кошиф фи маърифа ман лаҳу ривоя фи-л-кутуб ас-ситта* (Т. 1, Б. 13). Дор ал-қибла.
7. Заҳабий, Ш. М. (2004). *Таҳзиб таҳзиб ал-камол фи асмо ар-рижол* (Т. 1, Б. 71-72). ал-Фарук.
8. Заҳроний, М. (2009). *Илм ар-рижол* (Б. 167). Дор ал-Хузайрий.
9. Ибн Асокир. (1981). *Ал-Муъжам ал-муштамил ала зикр асмо шуюҳ ал-аимма ан-нубл* (Б. 336). Дор ал-фикр.
10. Ибн Касир. (2011). *ат-Такмил фи ал-жарҳ ва-т-таъдил ва маърифа ас-сиқот ва-з-зуафо ва-л-мажохийл* (Т. 1, Б. 13). Мактаба Ибн Аббос.
11. Ибн Салоҳ. (2005). Дор ал-фикр. (Б. 382).
12. Каттоний, А. А. (1989). *Зайл тарих мавлид ал-уламо ва вафоётҳим* (Б. 38). Дор ал-осима.
13. Ибн Халликон. *Вафоёт ал-аъён* (Б. 494). Дор Содр.
14. Макдакий, М. (1994). *Китоб ат-тарих ва асмо ал-муҳаддисин ва кунаҳум* (Б. 10). Дор ал-китоб.
15. Макдсий, А. (2016). *Ал-Камол фи асмо ар-рижол* (Т. 1, Б. 7). ал-Ҳайат ал-омма ли-т-тибоа ал-Қуръан ал-карим ва-с-сунна.
16. Маҳмуд Таҳҳон. (2010). *Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис* (Б. 276). Мактаба маориф.
17. Миззий, Ж. Ю. (1983). *Таҳзиб ал-Камол фи асмо ар-рижол* (Т. 1, Б. 44). Муассаса ар-рисала.
18. Мифтоҳий, М. (2016). *Анво ал-мусаннифот фи-л-ҳадис ан-Набавий* (Б. 33). Мактаба Масиҳ ал-умма.
19. Мунзирий, А. А. (1984). *Ат-Такмила ли вафаёт ан-нақола* (Т. 1, Б. 39). Муассаса ар-рисала.
20. Муҳаммад Абул Маоллий. (1982). *Ал-Вафайот* (Б. 55). Муассаса рисала.
21. Саховий, М. (2005). *Фатҳ ал-муғис би шарҳ алфият ал-ҳадис* (Т. 4, Б. 365). Дор ал-минҳож.
22. Тўраев, Н. (2018). *Имом Бухорийнинг ҳадис ровийларига бағишланган асарлари*. «Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб масалалари: ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги халқаро

илмий-назарий анжуман материаллари (Б. 116). Нукус.

23. Ҳоким Найсопурий. (1977). *Маърифа улум ал-ҳадис* (Б. 195). Дор ал-кутуб ал-илмийя.
24. Ҳусайний, А. М. (1996). *ат-Тазкира би маърифа рижол ал-ашара* (Т. 1, Б. 3). Мактаба Хонжий.
25. Ямоний, А. (1996). *Илм ар-рижол ва аҳаммиятух* (Б. 18). Дор ар-роя.
23. Hakim al-Naysaburi. (1977). *Ma'rifat Ulum al-Hadith* (p. 195). Dar al-Kutub al-Ilmiyyah.
24. Husayni, A. M. (1996). *At-Tadhkirah bi Ma'rifat Rijal al-Asharah* (Vol. 1, p. 3). Maktabat Khunji.
25. Yamani, A. (1996). *Ilm al-Rijal wa Ahammiyatuh* (p. 18). Dar al-Raya.

REFERENCES

1. Abdulaziz Mansur. (2004). *Translation of the meanings of the Holy Quran*. Sharq.
2. Asqalani, I. H. (2014). *Tahdhib al-Tahdhib* (Vol. 1, p. 9). Mu'assasat al-Risala.
3. Ghawri, A. (2007). *Ilm al-Rijal: Definition and its books* (p. 43). Dar Ibn Kathir.
4. Ghawri, A. (2007). *Mawsu'at Ulum al-Hadith wa Fununih* (p. 503).
5. Dimashqi, M. A. (1990). *Mawlid al-Ulama wa Wafayatihim* (Vol. 1, p. 34). Dar al-Asimah.
6. Dhahabi, S. M. (1992). *Al-Kashif fi Ma'rifat Man Lahu Riwayah fi al-Kutub al-Sittah* (Vol. 1, p. 13). Dar al-Qiblah.
7. Dhahabi, S. M. (2004). *Tahdhib al-Kamal fi Asma al-Rijal* (Vol. 1, pp. 71-72). Al-Faruq.
8. Zahrani, M. (2009). *Ilm al-Rijal* (p. 167). Dar al-Khuzayri.
9. Ibn Asakir. (1981). *Al-Mu'jam al-Mushtamil ala Dhikr Asma Shuyukh al-Aimmah al-Nubl* (p. 336). Dar al-Fikr.
10. Ibn Kathir. (2011). *At-Takmil fi al-Jarh wa al-Ta'dil wa Ma'rifat al-Thiqat wa al-Du'afa wa al-Majahil* (Vol. 1, p. 13). Maktabat Ibn Abbas.
11. Ibn Salah. (2005). Dar al-Fikr. (p. 382).
12. Kattani, A. A. (1989). *Dhail Tarikh Mawlid al-Ulama wa Wafayatihim* (p. 38). Dar al-Asimah.
13. Ibn Khallikan. *Wafayat al-A'yan* (p. 494). Dar Sadr.
14. Maqdami, M. (1994). *Kitab al-Tarikh wa Asma al-Muhaddithin wa Kunahum* (p. 10). Dar al-Kitab.
15. Maqdisi, A. (2016). *Al-Kamal fi Asma al-Rijal* (Vol. 1, p. 7). Al-Hay'ah al-Ammah li-Tiba'at al-Quran al-Karim wa al-Sunnah.
16. Mahmud Tahhan. (2010). *Taysir Mustalah al-Hadith* (p. 276). Maktabat Ma'arif.
17. Mizzi, J. Y. (1983). *Tahdhib al-Kamal fi Asma al-Rijal* (Vol. 1, p. 44). Mu'assasat al-Risala.
18. Miftahi, M. (2016). *Anwa al-Musannifat fi al-Hadith al-Nabawi* (p. 33). Maktabat Masih al-Ummah.
19. Munziri, A. A. (1984). *At-Takmila li Wafayat al-Naqala* (Vol. 1, p. 39). Mu'assasat al-Risala.
20. Muhammad Abul Ma'ali. (1982). *Al-Wafayat* (p. 55). Mu'assasat al-Risala.
21. Sakhawi, M. (2005). *Fath al-Mughith bi Sharh Alfiyat al-Hadith* (Vol. 4, p. 365). Dar al-Minhaj.
22. Turaev, N. (2018). *The works of Imam Bukhari dedicated to hadith narrators*. In *Proceedings of the International Theoretical and Scientific Conference on Actual Issues*